

657(043.3)

F 21


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 657.01+336.027.2

**ГАНИЕВ ШАҲРИДДИН ВОҲИДОВИЧ**

*Vuzirlik*

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА  
МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(таълим тизими мисолида)**



**08.00.08– «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2008**

657(043.3)

F21

**Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Хасанов Баходир Акрамович.

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич;

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич.

**Етақчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар  
химояси буйича Бирлашган иқтисослашган кенгашнинг 2008 йил  
"28" ноябр соат 16:00 да утадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй. Мажлислар  
зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 й. "28" ноябр да тарқатилди.

Бирлашган иқтисослашган кенгаш  
илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди 1 м.в Ф.И. Мирзаев.

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёни ижтимоий-иқтисодий фаолият тарзимизда жуда кўп мауммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Шулардан бири-бевосита таълим тизими молиявий фаолияти билан боғлиқ муаммолардир. Шу боис ҳам, 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиниши таълим тизими молиялаштирилишини такомиллаштириш ва унга бозор механизмлари жорий этилишини тақозо қилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш, янги ташкил этилган ғазначилик органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тегишли вазирлик ва идораларга топширилди»<sup>1</sup>. Ушбу шароитда бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат тизимини халқаро ва миллий стандартлар талаблари бўйича юритиш давр талаби ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар бюджет ҳисоби ва молиявий назорат зиммасига муҳим вазифалар юклайди ва илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратнинг назарий, методологик масалалари ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси хорижлик олимлардан Х.Андерсон, М.Р.Мегьюс, Г.Мюллер, Б.Нидлз, Ж.Рис, Р.Энтони, Ч.Т.Хорингренларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратнинг айрим назарий, услубий ва амалий масалалари МДХ олимларидан А.В.Вахабов, Э.Ф.Ғадоев, Р.Дусмуратов, Н.П.Кондраков, Х.Н.Мусаев, М.Остонакулов, А.К.Ибрагимов, В.Ф.Палий, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, А.Д.Шермет, Л.З.Шнейдманларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш масалалари М.Остонакулов,<sup>2</sup> Ш.Файзиев,<sup>3</sup> Б.Бўроновларнинг<sup>4</sup> илмий-услубий ишларида таҳлил этилган.

Шунингдек тадқиқотчилар томонидан иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва иқтисодийetni модернизациялаш шароитида таълим

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсади. -Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2008.-6 54.

<sup>2</sup> Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007.-6. 264.

<sup>3</sup> Файзиев Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: ТМИ, 2005. -6.100.

<sup>4</sup> Бўронов Б., Абдурахимов К. Давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. // SOLIQ SOLISH VA BUXGALTERIYA HISOBI. №5 (23) 2008. -6. 15-23.

тизимида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат яхлит, уйғунлашган ҳолда атрофлича ва чуқур тадқиқ этилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси билан узвий боғлиқ.

**Тадқиқот мақсади.** Иқтисодийни модернизациялаш босқичида таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот иши мақсадига кўра, қуйидаги вазифалар ҳал этилган:

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳолатини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

- ғазначилик тизимини жорий этиш шароитида молиялаштириш ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш;

- бошланғич ҳисоб юритилишини такомиллаштириш;

- давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида ягона счётлар режаси ва уни амалиётга жорий этиш муаммоларини тадқиқ этиш;

- бюджет ташкилотларида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоботи шакллари ва уларни тузиш услубини такомиллаштириш;

- ғазначилик шароитида, таълим тизимида молиявий назоратнинг ўрни ва функцияларини тадқиқ этиш;

- таълим тизимида бюджет ташкилотлари фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш ҳамда ғазначиликда ички аудитни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объекти сифатида таълим тизими бюджет ташкилотлари молиявий фаолияти тадқиқ этилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Таълим тизимининг бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни ташкил этиш ҳамда бошқариш соҳасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда илмий тадқиқотнинг гуруҳлаш, умумлаштириш, иқтисодий таҳлил ва статистик усулларидан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- бюджет ташкилотларида, шу жумладан, таълим тизимида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат концепциясини шакллантириш тартиби асосланганлиги;

- бюджет ташкилотлари молиявий фаолияти бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосланган счётлар режаси ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этилиш услубияти бўйича тавсиялар берилганлиги;

- ғазначилик шароитида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни самарали бошқаришга хизмат қилувчи ҳисоб ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилганлиги.

**Илмий янгилиги.** Иқтисодийтни модернизациялаш босқичида таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланиб, улар куйидагилардан иборат:

- бюджет ҳисобини юритишнинг аналитик ҳисоб регистрларининг такомиллашган шакли ишлаб чиқилди;
- таълим тизимидаги субъектларда йиғма ва синтетик ҳисобни такомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар берилди;
- бюджет ташкилотларида молиявий қўйилмалар ва номоддий активлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берилди;
- бюджет ҳисобида юритилаётган субсчётларни миллий стандартларга мослаштириш мақсадида туркумлаш тақлиф этилди;
- бюджет ташкилотларида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоботи шакллари такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида молиявий назоратнинг роли ва функциялари асосланди;
- бюджет ташкилотларида ички аудитни шакллантириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия счётлари муносабатини акс эттириш, ҳисобот тизимини такомиллаштириш, смета бўйича молиялаштириш назоратини кучайтиришда, шу жумладан, бюджет ташкилотлари фаолиятини ҳисобга олиш ва назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш, бюджет маблағларининг сақланиши, мақсадлилиги ва манзиллигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси” томонидан (2007 йил 04/49-сонли далолатнома) ва Тошкент Молия институтида «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўқитишда (2007 йил 32-2/2268 -сонли далолатнома) қўлланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари «Ўзбекистонда бозор ислохотлари шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислох қилиш ва ривожлантириш» (Тошкент, 2001), «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари» (Тошкент, 2002), «Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш

шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2007), «Пахта тозалаш, тўқимачилик енгил ва матбаа саноатларида инновацион ва интеграцион жараёнларнинг истиқболлари» (Тошкент, 2007) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган. «Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (21–БХМС) амалиётга қўллашнинг назарий ва методологик масалалари» лойиҳаси бўйича бажарилган давлат грантида жорий этилиб, монография чоп этилган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Солиқ академияси бирлашган илмий семинарларида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот натижалари 1 та ҳаммуаллифликдаги илмий монография, 3 та илмий мақола журналларда, 4 та тезис конференция материалларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 130 бетни ташкил қилади. Ундаги иловалар сони 25 та шу жумладан, 5 та расм, 20 та жадваллардан иборат.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш, уларнинг маблағ ва манбаларини ҳисобга олиб бориш лозимлиги, давлат бюджетидан ажратилган ҳар бир сўм тежаб-тергаб харажат қилиниши талаб қилинади.

Таълим тизимининг муҳим бўғини олий ўқув юртлири ҳисобланади. Уларнинг даромадлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, 60 фоизга яқини бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан амалга оширилади, (1-жадвал).

Шу сабабли, олий ўқув юртлирининг даромадларини тўғри ва аниқ юритиш, таркибий қисмларини ҳисобга олиш бюджет ҳисобининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ушбу ишларни амалга ошириш мақсадида молиялаштиришнинг янги тартиби амалиётга жорий этилди<sup>5</sup>.

Унга асосан қуйидаги вазифалар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминлаши, бунда:

- бюджет маблағларидан, шу жумладан, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;
- бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари ва

<sup>5</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида (ЎЗР ВМ 2007 йил 19июлдаги 148-сонли қарори билан белгиланган) молиялаштиришнинг янги тартиби ўрнатилди.

**Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари  
даромадлари таркиби, (фоизларда)<sup>6</sup>**

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
<b>Жами даромадлар:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>шу жумладан:</b>					
1. Давлат бюджети ҳисобидан	40,3	39,6	39,0	39,8	40,8
2. Кадрлар тайёрлаш учун тўлов	53,4	54,8	54,9	54,7	54,3
3. Бошқа даромадлар	6,3	5,6	6,1	5,5	4,9
<b>шу жумладан:</b>					
3.1. Пуллик хизматлар	3,7	2,9	2,3	2,1	1,2
3.2. Ҳомийлик ёрдами	0,1	0,1	0,6	0,4	0,9
3.3. Бино ва ускуналарни ижарага беришдан	0,1	0,2	0,2	0,2	0,1
3.4. Бошқа тушумлар	2,4	2,4	3,0	2,8	2,7

моддалари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши;

- штат-смета интизоми бузилишининг олдини олиш;

- харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олиш ва ҳ.к.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб беришлари тўғрисида огохлантирилиши, бунда бюджет ташкилотларининг кўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги кераклиги таъкидланган.

Янги тартибга асосан, бюджет ташкилотлари норматив бўйича бир сатрдан молиялаштириш усулига кўра (фаолият ихтисослигидан келиб чиқиб) молиялаштиришга ўтилди.

Даромадлар билан бирга, ушбу соҳа харажатларини ҳам таҳлил қилиш ва харажатлар бўйича белгиланган меъёрлардан четга чиқилмаслигини назорат қилиш лозим, (2-жадвал). Шу мақсадда харажатларнинг таркиби

<sup>6</sup>Вахабов А.В., Имамов Э., Солеев А. И. др. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. //Вашингтон. Международный банк реконструкции и развития, 2007.-214 с. УзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлиари  
харажатлари таркиби, (фоизларда)<sup>7</sup>

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами харажатлар:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
1. Иш хақи ажратмалари билан	37,8	38,0	40,5	41,3	42,9
2. Стипендия	21,6	22,4	28,3	34,4	39,6
3. Бошқа харажатлар	40,6	39,6	31,2	24,3	17,4
шу жумладан:					
3.1. Коммунал хизматлари	4,9	4,7	4,3	3,6	1,7
3.2. Асбоб-ускуналар ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш	5,6	6,0	3,1	1,8	1,5
3.3. Капитал таъмирлаш	8,4	8,5	5,7	3,5	3,5

таҳлил қилинганда бошқа харажат камайиб бораётганини кўриш мумкин, масалан, 2003 йилда 40,6 фоиз бўлган бўлса, 2007 йил 17,4 фоизни ташкил этган.

Бюджет ташкилотларига ривожлантириш фонди ташкил этилишини куйидаги манбалар ҳисобидан кучайтиришга рухсат бериш, яъни:

– режа асосида бюджетдан молиялаштириш мақсадида ажратилган маблағлар иқтисод қилиниши ҳисобидан (ҳисобот чорагининг охирида ташкилотнинг ҳисоб-рақамида фойдаланилмай қолган маблағлар);

– ўқув юртида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар сотишдан олинган даромадлар ҳисобидан (фаолият йўналиши бўйича);

– юридик ва jisмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига хомийлик ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб белгилаб берилди.

Юқорида кўрсатилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб, 2010 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинди, бўшаб қолган маблағлар моддий – техника ва ижтимоий база

<sup>7</sup>Вахабов А.В., Имомов Э., Солесв А. И др. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. //Вашингтон. Международный банк реконструкции и развития, 2007.-214 с., УзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Бозор иктисодиётига ўтиш даврида ҳўжалик юритувчи  
субъектларда молиявий ҳисоб ва бюджет ташкилотлари  
бухгалтерия ҳисобининг қиёсий таҳлили<sup>8</sup>**

Т.р.	Қиёслаш белгилари	Ҳўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоб	Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби
1.	Ташкилий тамойиллар	Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ташкил этилади.	Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ташкил этилади.
2.	Молиявий, статистик ва солиқлар бўйича ҳисобот тузиш	Молия вазирлиги, Статистика, Солиқ қўмиталари ва бошқа масъул вазирликлар томонидан қатъий белгиланган.	Молия вазирлиги, Статистика, Солиқ қўмиталари ва бошқа масъул вазирликлар томонидан қатъий белгиланган.
3.	Амортизация ва эскириш ҳисоблашиши	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва БҲМСга асосан амортизация ҳисобланади ва таннархга қўшиб олиб борилади.	Эскириш ҳисобланади, бироқ, таннархга қўшилмайди.
4.	Арзон ва тез эскирувчи буюмлар (АТЭБ) ҳисобининг хусусиятлари	Ҳўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва материаллар счётлари ўртасида минимал иш ҳақининг 50 баравари додрасида тақсимланган.	АТЭБлар алоҳида счётларда ҳисобга олиб борилади, уларга эскириш ҳисобланади.
5.	Таннарх ҳисоблашиши	Маҳсулотлар таннархи бир неча усуллар билан ҳисобланади.	Фақат нобюджет хизматлари (ишлари) таннархи ҳисобланади.
6.	Молиявий натижаларни аниқлаш	Даврий ва йиллик ҳисобот тузиш жараёнида фойда ёки зарар аниқланади.	Смета харажатлари ва даромадлари ижроси солиштирилади.

мустаҳкамлашга, ишчи-ҳодимларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

Шундай қилиб, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тузилади ва тасдиқланади, улар бюджетдан молиялаштирилади, ҳисоботлар тузилади, харажатлар устидан назорат амалга оширилади. Барча бюджетлар ижроси бўйича ҳисоботлар ҳам шу меъёрий ҳужжатларга асосланиб тайёрланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш талаблар даражасида эмас. Республикада тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ва амал қилаётган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларини таълим тизимида жорий этиш ишлари суст олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва ҳисоботи “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бюджет ҳисоботлари ва баланслари

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

туғрисидаги Низомни тасдиқлаш туғрисида”ги Молия вазирлигининг 2001 йил 22 январдаги буйруғига асосланиб юритилади.

4-жадвал

**Ҳазначиликнинг вақтинчалик счётлари бўйича бюджет ташкилотларида қўлланилиши таклиф этилаётган счётлар<sup>9</sup>**

Т.р.	Счётнинг шифри	Харажатлар
1.	290	Бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисобот йилида келиб тушган, ўтган йиллардаги дебиторлик қарзлари
2.	291	Бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий йилдаги дебиторлик қарзлари
3.	292	Мақтабгача тарбия болалар муассаларида тарбияланувчиларнинг ота-оналари томонидан уларнинг овқатланишлари учун тўланган пул маблағлари
4.	293	Ижтимоий тўловлар бўйича бюджетдан ташқари Пенсия фонди ҳисобидан ходимларнинг ижтимоий нафақалари бўйича маблағлар тушуми
5.	294	Ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган маблағлар ва моддий захираларнинг ортиқча келиб тушиши
6.	295	Марказлашган ҳолда юқори бюджет томонидан қўйи бюджетга қайтариб олмаслик шарти билан берилган моддий қиймагликлар
<b>Даромадлар</b>		
7.	400	Кўчирилган иш хақи (1-гуруҳ бўйича, иш хақи, муқофотлар, моддий ёрдам, ишловчи оналарга нафақалар)
8.	401	Кўчирилган стипендиялар (1- гуруҳ бўйича)
9.	402	Кўчирилган нафақалар (2- гуруҳ бўйича)
10.	403	Махсус маблағлар бўйича даромадлар
11.	404	Олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ишлаб чиқариш бўйича даромадлари
12.	405	Сафар харажатлари учун кўчирилган пул маблағлари
13.	406	Нақд пул кўринишида олинadиган (гонорарлар ва бошқа тўловлар, 1- ва 2-гуруҳдан ташқари) кўчирилган пуллар
14.	410	Фойда ва зарарлар

Ҳазна ижросига ўтган бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари Молия вазирлигининг Ҳазначилик бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб-рақамидан юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг хар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади, (4-жадвал).

Бозор муносабатлари ривожланиши туфайли бюджет ташкилотлари счётлар режасида янги 134-субсчёт “Молиявий қўйилмалар фонди” пайдо бўлди. Унда узок муддатли молиявий қўйилмалар ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларда ташкилотнинг бир йилдан ортиқ муддатга қимматли қоғозларга, ишонч асосида ташкилот жамиятлари ва ширкатлар устав капиталларига молиявий қўйилмалари (инвестициялар)

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 22 январдаги 13-сонли буйруғига асосан. Муаллиф томонидан тузилган.

ҳаракати тарзида ҳисобга олинади, маблағлар тадбиркорлик фаолияти асосидан келиб чиқади.

Лекин, ушбу 134-“Молиявий қўйилмалар фонди”счётини юритиш тартиби (собик сср молия министрлигининг 1987 йил 10 мартдаги 61-сонли бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномасида) берилмаган. Шу сабабли, унга доир муомалаларни акс эттириш тартиби муаллиф томонидан ишлаб чиқилди, бунда бюджет ташкилоти ўзининг бюджетдан ташқари маблағини қимматли қоғозлар сотиб олишига йўналтирса, унда қуйидагича бухгалтерия ёзуви қайд қилинади:

- дебет 134-субсчёт “Молиявий қўйилмалар фонди”;

- кредит 111-субсчёт “Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи”;

- бюджет ташкилоти ҳиссадорлик жамиятидан дивиденд олди ва бу муомалани ўз счётларида акс эттиради;

- дебет 111-субсчёт “Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи”;

- кредит 400-субсчёт “Махсус ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар”. Юқоридаги муомаланинг 15 фоизи бюджетга солиқ сифатида ҳисоблаб қўйилади;

- дебет 400-субсчёт “Махсус ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар”;

- кредит 173-субсчёт “Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар”. Олинган дивиденднинг 85 фоизи бюджет ташкилоти ходимларига тўлаш учун ҳисоблаб қўйилади;

- дебет 400-субсчёт “Махсус ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар”;

- кредит 180-субсчёт “Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар”.

Ҳозирда амалдаги счётлар режасида номоддий активлар учун бюджет ташкилотлари алоҳида счёт ажратмаган. Шу сабабли, уни 01-“Асосий воситалар” счётида тегишли 014-“Номоддий активлар”субсчётлари бўйича олиб борилишини тақлиф этамиз:

- 014-“Номоддий активлар” субсчётида номоддий активлар ҳаракати ва ҳолати ҳисобга олинади;

- номоддий активларнинг эскиришини ҳам 020-“Асосий воситаларнинг эскириши”номли субсчётда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Номоддий активларга қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир;

- муаллифлик ва бошқа шартномалар тузишга, шунингдек, фан, адабиёт, санъат асарларига ва аралашши ҳуқуқи бўлган объектларга;

- ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига ва ҳ.к;

- номоддий активлар 014 -“Номоддий активлар”субсчёт дебети бўйича ва ташкилот маблағларининг мос ҳолдаги маблағлар субсчёти кредити бўйича акс эттирилиб, сотиб олишга кетган харажатлар суммаси ҳисоб-китобида ва улардан фойдаланишга яроқлилик ҳолатигача кетган харажатларда ифодаланилади.

Шундай қилиб, дастурий таъминотни жорий этиш бўйича ишлар қийматига, дастурий таъминот ўзининг қийматига тегишли бўлади. Уларнинг қирим қилиниши бир вақтда 250 –“Асосий воситалардаги фонд” субсчёт кредитига ва 20-“Бюджет бўйича харажатлар” ва 21-“Бошқа харажатлар”счётларнинг мос ҳолдаги субсчётлар дебетига ёзиб қўйиш билан амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, қабул қилиниши билан номоддий активлар бўйича эскириш ҳисобланмайди. Илгари номоддий активлар бошқа асосий воситалар таркибига киритилар эди ва уларга эскириш ҳисобланарди.

014-“Номоддий активлар” субсчёти бўйича аналитик ҳисоб номоддий активлар объектлари бўйича инвентар карточкада юритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Номоддий объектлар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 октябрдаги 506-рақам билан рўйхатга олинган 7-сонли Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига кўра) - моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, мазкур бюджет ташкилоти ўз фаолиятида ишлатиш ёки бошқариш учун назорат қиладиган, шунингдек, узоқ вақт (бир йилдан кўпроқ) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектларидир.

Ташкилотнинг номоддий активлар таркибида қуйидагилар акс эттирилади:

–патентлар, лицензиялар, интеллектуал мулк ва савдо маркалари. Тадқиқотлар кўрсатишича, кўпчилик олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда номоддий активлар таркибида компьютер дастурлари таъминотини бухгалтерияда ҳисобга олишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мисол тариқасида, юқори технологияли «Teacher» дастури талабаларидан назоратлар учун қабул қилиш мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 13-14 миллион сўмни ташкил этади. Бироқ, кўпчилик олий ўқув юртларида уни номоддий активлар таркибида эмас, балки асосий воситалар таркибида ҳисобга олиб борилмоқда. Ваҳоланки, бир донга энг сўнгги моделдаги замонавий компьютернинг ўртача баҳоси 1,5-2 миллион сўм бўлган тақдирда ҳам, 12 миллион сўмлик компьютер дастури ва компакт диски ҳисобдан четда қолмоқда. Натижада, моддий жавобгар шахс қабул қилиш ва топшириш жараёнида фақат компьютернинг ўзинигина қиримга олмақда. Масаланинг яна бир мураккаб томони шундаки, номоддий активларга ҳам худди асосий воситалар каби, эскириш ҳисобланмоқда. Бунинг оқибатида, компьютер дастури маънавий жиҳатдан эскирганлигига қарамадан, ўн-ўн беш йиллаб, бюджет ташкилотлари балансларида қолиб кетмоқда.

Бюджет ташкилотларида 21-сонли БҲМС бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари алоҳида ҳолда ҳисобланади, бизнинг фикримизча, 17-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» синтетик счётида олиб бориладиган субсчётларни ҳам миллий стандартга мослаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Амалдаги 21-сонли БҲМСга мувофиқ, дебиторлик қарзларининг узоқ муддатли қисми счётлар режасининг 1-

бўлимидаги «Дебиторлик қарзлари ва узайтирилган харажатлар – узок муддатли қисми» номли 09-счётида олиб борилади. Қисқа муддатли дебиторлик қарзлари эса, счётлар режасининг 4-бўлимида «Олинаниган счётлар» номи билан юритилади.

Шу мақсадда куйидаги таккослама жадвални таклиф этамиз, (5-жадвал).

Бизнинг фикримизча, кредиторлик қарзлари счётлар режасининг 3-қисмидаги «Мажбуриятлар» номли 6-бўлимида ва 7-бўлимида «Узок муддатли мажбуриятлар» кўринишида ҳисобга олиб борилади. Демак, янги тартибга асосан, кредиторлик қарзлари мажбуриятлар сифатида баҳоланиб, бир йилгача ва ундан ортик муддатли қилиб ажратиб қўйилган. Бюджет ташкилотлари ҳам халқаро ва миллий ҳисоб стандартларига ўтишлари учун дебиторлик ва кредиторлик қарзларини алоҳида-алоҳида сальдо чиқариш усулига ўтишлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бюджет ташкилотлари бу қарзларнинг аналитик ҳисобини муддатига кўра ташкил этишлари лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ»га<sup>10</sup> ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим

5-жадвал

**17-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» синтетик счётида олиб бориладиган субсчётларни миллий стандартларга мослаштириш мақсадида таклиф этилаётган туркумлашлар<sup>11</sup>**

21-сонли БҲМС бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиб боровчи счётлар	Бюджет ташкилотларида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш учун таклиф этилаётган счётлар
1-бўлим. Дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар (узок муддатли дебиторлик қарзлари)	1-бўлим. Дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар
4-бўлим. Олинаниган счётлар-жорий қисми (қисқа муддатли дебиторлик қарзлари)	2-бўлим. Олинаниган счётлар-жорий қисми (қисқа муддатли дебиторлик қарзлари)
6-бўлим. Жорий мажбуриятлар (қисқа муддатли кредиторлик қарзлари)	4-бўлим. Олинаниган счётлар-жорий қисми
7-бўлим. Узок муддатли мажбуриятлар (узок муддатли кредиторлик қарзлари)	3-бўлим. Узок муддатли мажбуриятлар (узок муддатли кредиторлик қарзлари)

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган "Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом" -Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42 (230)-сон.

<sup>11</sup> 21-БҲМС бўйича муаллиф томонидан тузилган.

вазирининг 2006 йил 9 январдаги «Олий таълим муассасаларининг штат жадвалига бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор лавозими учун функционал вазифалар Намунавий қоидалар»ни тасдиқлаш хатига асосан, олий ва ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам бош бухгалтер муовини - ички аудитор лавозими жорий этилди<sup>12</sup>.

Бюджет ташкилотида ички аудиторлар қуйидаги ишларни бажара олиши зарур:

- ички ташкилий -меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши;

- молиявий - иқтисодий диагностика ва молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш (молия-иқтисод бўлимлари билан биргаликда) вазифаларни ҳал этиши;

- турли иқтисодий масалалар бўйича муассаса ходимларига маслаҳатлар бериши;

- муассаса ходимлари малакасини ошириш бўйича тадбирларда иштирок этиши;

- турли молиявий муомалаларини ижро этиш бўйича маъмуриятга маслаҳатлар бериши;

- бюджет бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш бўйича фаолият юритиши.

Муассаса солиқни режалаштириш бўйича ихтисослаштирилган бўлинма бўлмаганда, бу масалаларни ишлаб чиқиш ички аудиторлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ички аудит бўлимини тузишдан мақсад муассасанинг бошқарув тизимини такомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларида ички аудитнинг илмий-амалий жиҳатлари қуйидагидек бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муассаса бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

- ички аудиторлар ўтказадиган режали назорат текширувлари ва таҳлиллари натижалари кўрсатиб берилади;

- ички аудиторлар назорат билан бир қаторда бош муассаса ва унинг филиал (таълим тизим)ларидаги молиявий-иқтисодий, бюджет бухгалтерияси ва бошқа хизматлар бўйича мансабдор шахсларга бир қанча маслаҳатлар бериш вазифасини ҳам бажарадилар;

- ҳар йили муассасанинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ бюджет муассасасида тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чорақда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

- тузиладиган бюджет муассасаси шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2006 йил 9 январдаги «Олий таълим муассасаларининг штат жадвалига бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор лавозими учун функционал вазифалар Намунавий қоидалар»ни тасдиқлаш бўйича хати.

– бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда бюджет муассасасининг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, бюджет, банк конунлари ва бошқа конун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш.

Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларида ички аудит бўлимини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари ва ички аудиторлар фаолияти учун қўйиладиган асосий талаблар, фикримизча, самарали назорат ўрнатиш имконини беради.

### 3. ХУЛОСА

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар тўлиқ ва молиявий ахборотлар билан ўз вақтида таъминланиши керак. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар, муассасанинг келгусида қандай истиқболларга эгалиги, ўз молиявий ресурсларини унга сарфлаши, муассасанинг кредиторлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олиши, бюджетдан ташқари фойдаланилмаётган маблағлар бўйича фоизларни олиш имкониятига эгалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

1. Диссертацияда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш муаммолари тадқиқ этилган. Бунда асосан ташкилотнинг молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро тизимидаги таърибалар умумлаштирилиб, бозор муносабатлари шароитида уни ривожлантириш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий конунчиликка мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш каби муаммолар яхлит равишда тадқиқ қилинган, ўрганилган.

2. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда куйидагича умумийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

– бюджет ташкилотлари фаолиятида қўлланилаётган счётлар режасининг умумий қодалари унинг тизимлиги ва барқарорлигини таъминлаши лозим;

– бюджет муассасаларида дастлабки ҳужжатларнинг намуналарини давлат тилида альбом шаклида нашр этилиши лозим. Шунингдек, ҳисоб регистрларини (журнал-ордер, мемориал-ордер, дафтарлар, карточкалар, компьютер дастурлари) ҳам Молия вазирилик томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилиши учун тавсия қилиниши лозим.

3. Тадқиқотлар кўрсатишича, бюджет муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва муассасалар харажатлари сметалари ҳамда бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисобот ҳолатини текшириш натижалари бўйича ўз навбатида тегишли юқори орган текшируви маълумотномасига киритиладиган текширилган бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва бошқа маълумотлар асосида аниқланган далиллар, маълумотлар асосида далолатнома тузилади.

Фикримизча, ушбу далолатномада куйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

–бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар ҳақида маълумотлар;

– текширилаётган муассаса ва ҳисоботи бўйича иш ҳажмининг ҳар бир ҳолати бўйича далолатлайдиган умумий маълумотлар;

– бюджет бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тузилиши бўйича ишни ташкил этишда аниқланган камчиликлар;

– бюджет бухгалтерия ҳисоби юритиш бўйича қонунлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар талабларининг бузилиши исбот этилган далиллар ва давлат маблағларини самарали ва мақсадли ишлатилмаганлиги, уларнинг бутлиги таъминланмаганлиги ҳолатлари ва бундай қонун бузилишларига йўл қўйган шахслар ва шу каби қатор камчиликлар кўрсатилиши лозим.

4. Тадқиқотлар кўрсатишича, молия органларининг бош бухгалтерлари бюджет муассасаларида даромад ва харажатлар сметалари ижроси бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишдаги камчиликларни кўришлари, таҳлил қилишлари ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқишлари керак. Текширув натижалари бўйича маълумотномалар ва уларга тегишли барча материаллар молия органи бухгалтериясининг алоҳида бўлимида сақланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, номоддий активлар қийматини белгилаш мумкин бўлмаса, уни актив сифатида алоҳида модда билан балансда акс эттириб бўлмайди. Аксарият олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда номоддий активлар таркибида компьютер дастурлари таъминоти бухгалтерия ҳисобига олинишида камчиликларга йўл қўйилмоқда, уни номоддий активлар таркибида эмас, балки асосий воситалар таркибида ҳисобга олиб борилмоқда. Масаланинг яна бир мурракаб томони шундаки, асосий воситалар каби, номоддий активларга эскириш ҳисобланмоқда. Бунинг оқибатида, компьютер дастури маънавий жиҳатдан эскирганлигига қарамадан, ўн-ўн беш йиллаб, бюджет ташкилотларининг балансларида қолиб кетмоқда. Фикримизча, бюджет ташкилотларининг амалдаги сўтлар режасига «Номоддий активлар» ва «Номоддий активларнинг амортизацияси» номли сўтларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

5. Фикримизча, ҳозирги амалда қўлланиб келаётган харажатлар классификаторидаги моддалар рўйхатини кенгайтириш лозим, улар ўн саккизта моддага бўлинган ҳолда олиб борилса, бир мунча аниқ бўлар эди. Чунки, юқори ташкилотдан ҳар бир моддага маблағ алоҳида ажратилиб, қатъий белгиланган моддалар бўйича харажат қилинар эди, шунингдек, бу эса, бухгалтерия ходимларининг ишини бир оз чалкашлиқдан холи қилган бўлар эди.

6. Кредиторлик қарзлари сўтлар режасининг 3-қисмидаги «Мажбуриятлар» номли 6-бўлимида ва 7-бўлимида «Узоқ муддатли мажбуриятлар» қўринишида ҳисобга олиб борилади. Демак, янги тартибга

асосан, кредиторлик қарзлари мажбуриятлар сифатида баҳоланиб, бир йилгача ва undan ортик муддатли қилиб ажратиб қўйилган. Бюджет ташкилотлари халқаро ва миллий ҳисоб стандартларига ўтишлари учун дебиторлик ва кредиторлик қарзларини алоҳида-алоҳида сальдо чиқариш усулини қўллашлари керак. Шунингдек, бу қарзларни муддатига кўра аналитик ҳисобини ташкил этишлари лозим бўлади.

Шу мақсадда диссертацияда 17-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» синтетик счётида олиб бориладиган субсчётларни ҳам миллий стандартларга мослаштириш мақсадида таклиф этилаётган туркумлашларни таққослама жадвал шаклида таклиф этилган.

7. Тадқиқотлар натижасида, йўриқномага асосланиб янги таклиф қилинаётган субсчётлар асосида иш ҳақларини ҳисоблаш бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) таклиф этилган. Бу харажатлар ташкилотнинг жорий молия йили давомида 200 субсчётнинг дебетига харажатга олиб борилади ва шу билан йил якунида иш ҳақига ажратилган йиллик сумма тўлиқ ёпилади.

8. Муассасанинг ички аудит хизмати давлат мулкани сунистеъмол қилиш, хўжасизлик, нооқилона бошқаришдан ҳимоя қилади, шунингдек унинг муассаса фаолияти самарадорлиги оширилишини таъминлайди.

Муассасанинг ички аудити муассаса маъмурияти, бухгалтерия, ички аудит хизматлари, назорат – тафтиш бўлими харажатларини бошқариш бўлими ва бошқа бўлимларни амалга оширади.

9. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш ва ҳисоб сисъатининг ҳуқуқий асосларига оид масалани ёритишда фаолиятнинг турли кўринишлари бўйича янгиликлар киритиш тезлиги бюджет бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмаган муаммоли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда Бюджет бухгалтерия ҳисоботининг ҳолислигига хўжалик юритувчи субъект томонидан миллий стандартлар асосида мустақил ишлаб чиқиладиган ҳисоб юритиш сисъатини танлаш ва қўллаш орқали эришилади. Бунда, ҳисоб юритиш усулларига нисбатан ҳар бир мустақил қарор субъектнинг ҳисоб юритиш сисъатида очиб берилиши лозим бўлади.

10. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини марказдан тартибга солиш, унинг асосий қондаларини ва тамойилларини ишлаб чиқиш, ҳар бир хўжалик субъекти ўзининг бошқарув ва ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни аниқлаштириши зарур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда тартибга солинишининг асосий мақсади бозордаги барча ишгирокчилар манфаатларини бирдай ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида фаолият кўрсатаётган профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш инвесторлар, кредиторлар, мол етказиб

берувчилар ва бошқа бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

11. Диссертацияда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида йўл қўйилаётган молиявий интизом бузилишларининг турлари, уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича таълим муассасалари мутасадди ходимлари томонидан фойдаланилиши лозим бўлган тавсияномалар амалиётда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

12. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотида ички аудиторлар қуйидаги ишларни, яни: ички ташкилий - меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, молиявий - иқтисодий диагностика ва молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш (молия-иқтисод бўлиmlари билан биргаликда) вазифаларини ҳал этиш, турли иқтисодий масалалар бўйича муассаса ходимларига маслаҳатлар бериш, муассаса ходимлари малакасини ошириш бўйича тадбирларда иштирок этиш, турли молиявий муомалаларни ижро этиш бўйича маъмуриятга маслаҳатлар бериш, бюджет бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш бўйича фаолият юритишни бажариш лаёқатига эга бўлишлари зарур.

#### **4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ғаниев Ш.В. Бюджет ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш // *Национальная Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана. Материалы Международной конференции.* –Ташкент, 2001. -Б. 22-23.

2. Ғаниев Ш.В. Бюджет муассасаларининг ҳисоб сисъати // *ТМИ, халқаро илмий-амалий конференция материаллари.* –Тошкент, 2002. -Б. 134-136.

3. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш // *Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.* –Тошкент, 2002. №3. -Б. 36-38.

4. Ғаниев Ш.В. Развитие бюджетного учета и отчетности в условиях рыночных отношений в Узбекистане // *Аспирант и соискатель – Москва, 2003. №1. –С. 52-53.*

5. Ғаниев Ш.В., Муйдинов Б.Н. Особенности бухгалтерского учета в бюджетных организациях // *Аспирант и соискатель - Москва, 2003. №1. –С. 54-55.*

6. Абдуллаев Ё., Хасанов Б.А., Ғаниев Ш.В., Ризаев НК., Курбонбоев Ж.Э. Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этишнинг айрим масалалари // (монография). –Тошкент, 2005. -Б. 181.

7. Ғаниев Ш.В. Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий масалалари // *Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси Солиқ академияси. Республика илмий-амалий конференция.*-Тошкент, 2007. -Б. 136-138.

8. Хусанов Р. С., Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш // *Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, халқаро илмий-амалий конференция материаллари.* –Тошкент, 2007. -Б. 78-80.

**Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ғаниев Шахриддин Воҳидовичнинг 08.00.08.-“Бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг**

### **РЕЗЮМЕ СИ**

**Таянч сўзлар:** бюджет ташкилотлари, штат жадвали, бюджетдан маблағ ажратиш, бюджет профицити, бюджет тақчиллиги, бюджет ссудаси, бюджет сўрови, бюджет трансферти, молия йили, касса харажатлари, ҳақиқий харажатлар, ғазначилик.

**Тадқиқот объектлари:** таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва молиявий назорат қилиш услубиётини такомиллаштириш ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** иктисодиётни модернизациялаш босқичида таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни амалга оширишнинг хусусиятлари аниқланди; ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди; давлат бюджетидан ажратилган маблағларни самарали бошқаришга хизмат қилувчи ҳисоб ва молиявий назорат тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилди; бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратнинг ҳолати таҳлил қилинди ва уни такомиллаштириш йўналишлари белгиланди; дастлабки йиғма ва синтетик ҳисобни такомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар берилди; бюджет ташкилотларида молиявий қўйилмалар ва номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди; бюджет ташкилотларида олиб бориладиган субсўтларни миллий стандартларга мослаштириш мақсадида туркумлашлар тақлиф этилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишида ишлаб чиқилган амалий тақлифлар ва тавсиялар давлат бюджетининг таълим тизимини молиялаштиришда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришда қўлланилмоқда.

**Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги:** диссертация ишининг илмий ҳулосаси ва тақлифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Тадқиқот натижалари Тошкент Молия институтида «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» курси ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда қўлланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юрғлари.

## Р Е З Ю М Е

диссертации Ганиева Шахридина Вохидовича на тему: «Совершенствование бухгалтерского учета и финансового контроля в бюджетных организациях (на примере системы образования)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08.-«Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

**Ключевые слова:** бюджетные организации, штатное расписание, выделение бюджетных средств, бюджетный профицит, бюджетный дефицит, бюджетная ссуда, бюджетный запрос, бюджетный трансферт, финансовый год, кассовые расходы, фактические расходы, казначейство.

**Объекты исследования:** совершенствование методологии и организации ведения бухгалтерского учета и финансового контроля в системе образования.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию бухгалтерского учета и финансового контроля в бюджетных организациях системы образования в условиях модернизации экономики.

**Методы исследования:** наблюдение, обобщение, группировка, сравнение.

**Полученные результаты и их новизна:** определены особенности бухгалтерского учета и финансового контроля в образовательных бюджетных организациях; разработаны практические предложения по ведению бухгалтерского учета в бюджетных организациях в условиях казначейства; даны научно-практические рекомендации по совершенствованию системы учета и финансового контроля для эффективного управления средствами, выделенными из госбюджета; анализировалось состояние бухгалтерского учета и финансового контроля и определены направления совершенствования в бюджетных организациях; даны научно обоснованные предложения по совершенствованию первичного, сводного и синтетического учетов; даны научно обоснованные рекомендации по совершенствованию финансовых и нематериальных активов в бюджетных организациях; предложена классификация субсчетов бюджетных организаций для приспособления их к национальным стандартам.

**Практическая значимость:** разработанные в процессе исследования практические предложения и рекомендации по совершенствованию бухгалтерского учета и финансового контроля применяются в системе образования.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные заключения и предложения диссертационной работы приняты к внедрению Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. Результаты исследования используются в процессе подготовки учебных программ и преподавания дисциплины «Бюджетный учет и отчетность» в Ташкентском финансовом институте.

**Область применения:** Министерство высшего и среднего специального образования, высшие учебные заведения.

## REZUME

**Thesis of Sh.V.Ganiev on the scientific degree competition of the candidate of sciences (philosophy) in speciality 08.00.08-“Accounting, economic analysis and audit” subject: “Developing of accounting and financial control of budget organization (On the example of education system)”**

**Key words:** Budget organizations, Staff schedule, Allocation of finances from the budget, Budget proficiency, Budget deficit, Budget enquiry, Budget process, Budget transfer, Financial year, Cash-desk expenses, Real expenses, Treasury.

**Subjects of the inquiry:** Development methodology organization of accounting and financial control in education system.

**Aim of the inquiry:** Scientific offers and practical recommendations worked out accounting and financial control in budget organization in education system of modern economy.

**Methods of inquiry:** observation, generalization, group, comparison.

**The results achieved and their novelty:** the new conception accounting and financial control of budget organization of education system were formed; constructive and scientific recommendations were given according to the effective regulation of the finances and improving of the financial control system; the present situation of the accountancy in budget organizations and the financial control were analyzed and the ways of its improvement scientifically were underlined; the effective offers were given as for the starting, collective and synthetic accountancy; the scientific recommendations were given for the improvement of the financial deposits and non-material actives accountancy; the classification of subaccounts of the budget according to the national account standards were worked out.

**Practical value:** All constructive offers and recommendations worked out during this investigation are being applied now in education system of improving the financial control.

**Degree of embed and economic affectivity:** By the recommendation of the ministry of high and secondary-special education of Uzbekistan. The scientific conclusion ad the offers of the presents dissertation now are taught as the subject of “Budget accounting and statement” in Tashkent financial Institute.

**Sphere of usage:** Ministry of Higher and Secondary special education Uzbekistan, Higher Educational Institutions.

Таджикотчи:

A handwritten signature in dark ink, possibly reading 'Sh. V. Ganiev', is written over a circular official stamp. The stamp contains some illegible text and a central emblem. A long, thin line extends downwards from the signature.

Р. — Босмага рухсат этилди. 23.10.08г.  
Қогоз бичими 60 х 84 1/16  
Хажми 1,36 т адади 100 нуска Б. № 230

---

Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университети босмахонаси  
Ўзбекистон кўчаси 49.